

## Бақара сураси, 84-оят

08:45 / 07.10.2017 4260

**«Қонларингизни тўкмайсиз ва ўзингизни ўзингиз диёрингиздан чиқармайсиз», - деб аҳду паймонингизни олганимизни, сўнгра гувоҳлик бериб, иқрор бўлганингизни эсланг. Бақара 84.**

Бану Исроил Аллоҳ таолога берган аҳду паймонга кўра, яна улар бир-бирларини ўлдирмасликлари ва баъзилари баъзиларини ўз диёрларидан ҳайдаб чиқармасликлари лозим эди. Ўзлари шунга иқрор бўлган эдилар. Демак, аҳду паймон ихтиёрий ва рози бўлган ҳолда боғланди. Энди унга амал қилиш керак бўлади. Яҳудийлар қандай амал қилдилар?